



11.01.2022 даги

О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ ва Жондор туман ҳокимлиги Молия бўлими ўртасида 900000,00 сўм умумий суммага
тузилган 4 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб

Шахсий газна ҳисобварақ

092

100022860062467011312092001

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4292200			Жами
Январь	300 000,00			
Февраль	300 000,00			300 000,00
Март	300 000,00			300 000,00
Апрель				300 000,00
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	900 000,00			900 000,00

Жами 900000,00 сўм

Тўққиз юз минг сўм 00 тийин

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада
тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши
лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар
кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар)
етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

(имзо)

Янгиев Умид Эшмуродович
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Ражабов Бекзод Хикматович
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА №4

Жондор туман

« 11 » « январ » 2022 йил

Жондор туман телекоммуникация боғламаси (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида Рахбар Ш.Тўхтаев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Жондор тумани ҳокимлиги молия бўлими (корхона, таъшилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Бўюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида фаолият кўрсатувчи рахбар У.Янгиев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Бўюртмачи "га VPN интернет тармоғидан фойдаланиш учун (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизматни кўрсатиш, "Бўюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати олдиндан 100% тулов амалга оширилгандан кейин 2022 йил "31" "декабрь" гача амалга оширилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ

ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Бўюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Бўюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини бўюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Бўюртмачи"

ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Бўюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз бўюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Бўюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган бўюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Бўюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Бўюртмачи» билан тузган шартномаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш:

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 100 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

III. ШАРТНОМАНИНГ

БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 900000 (Тўққиз юз минг) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 100% миқдорида хар ойнинг охири санасигача олдиндан ҳақ тўлайди

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампда кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши

рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун фазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради).

6.2. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида муурожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси Қоидалари"га асосан амал қилиш муддати "31" декабрь 2022 йилгача белгиланади).

6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.4. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

1 Форс-Мажор ҳолатларида

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухорро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

VIII. БОШКА ШАРТЛАР

8.1 Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

9.1 Мазкур шартнома тарафларнинг келушивуга кўра ёки бошқа тараф шартнома

шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхаси тенг юридик кучга эга.

10 . ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Оператор»

«Абонент»


Ўзбектелеком АК Бухоро филиали
Жондор ТТБ (етказиб берувчининг номи)
Манзил: Жондор т. Истиклол кучаси 1 уй
Тел./факс 58-21-440
Х/р 20220000804074838175
Банк номи АТ "АЛОКАБАНК" БУХОРО ФИЛИАЛИ
МФО 00961 ИНН 203366731
ОКОНХ 52300

Раҳбар  Ш.Тўхтаев



Жондор туман ҳокимлиги
молия бўлими
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Жондор туман М.Торобий кучаси 54-уй
тел./факс 58-21-386
Ҳазна./х 23402000300100001010.
Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО 00014 ИНН 201807809
ОКОНХ 97160
ш/х 100022860062467011312092001
Бухоро вилояти Ҳазначилик бўлинмаси
Банк номи. Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО 00014 ИНН 201122919

Раҳбар.

 У.Янгиев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Hujjat raqami: PO25853603
2. Loyihamning turi: Shartnoma
3. Loyihamning nomi:

“Xizmatlar ko'rsatishga oid shartnoma ”

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Jondor tuman hokimligi moliya bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va
2022-yil 11-yanvar kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish
maqsadga muvofiq.

**Jondor tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



U.Nasimov

2022-yil 11-yanvar

Хизмат турлари ва тарифлар

Хизматлар номи	Улчов бирли ги	Мик дори	нарни	Етказиб бериш баҳоси	(хисоб-китоб миллий валюта-сумда) НДС		Етказиб бериш баҳоси НДС Билан бирга
					Суммаси	15%	
Business Mini-Office- 2 (512kb)							
Абонент тулови					782 608.70	117 391.30	900 000
Business Mini-Office- 1 (256kb)							
Жами бир ойда							900 0000
Хаммаси:							
				(1ойх3= 300 000) 900 000 тўққиз юз минг сўм			900 000
Трафик(сверхлимит							900 000
Жами							900 000

Шартнома 2022 йил 31 декабргача амал килади

“Оператор”

Ўзбектелеком АК Бухоро филиали

Жондор туман телекоммуникация боғламаси



Рахбар

[Signature]

Ш.Тўхтаев